

Ўқтам Панжиевич ЖИЯНОВ

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Ислом иқтисодиёти ва молияси, зиёрат
туризми
кафедраси ўқитувчиси
u.jiyanov87@gmail.com

ЖАҲОНДА МУСУЛМОН ТУРИЗМИНИНГ АҲАМИЯТИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТАҲЛИЛИ

ЗНАЧЕНИЕ МУСУЛЬМАНСКОГО ТУРИЗМА В МИРЕ И АНАЛИЗ ЕГО РАЗВИТИЯ

THE IMPORTANCE OF MUSLIM TOURISM IN THE WORLD AND ANALYSIS OF ITS DEVELOPMENT

Аннотация. Бугун мусулмон туризми борган сари кенгайиб, имкониятлари ва бозори ўсиб, туризм индустриясига катта ўзгаришлар олиб кирмоқда. Мақолада айнан шу жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда жаҳонда туризмнинг ривожланиши таҳлил қилинди. Шунингдек, бугунги кунда мусулмон дунёси ва унинг туризм бозоридаги фаолиятини таҳлил қилиш бўйича халқаро ташкилотлар маълумотлари ўрганилган бўлиб, мусулмон туризмни ривожлантириш масалалари ва келажак истиқболлари ҳақида умумий хулосалар берилган.

Калит сўзлар. Мулулмон туризми, туризм ва меҳмонхона индустрияси, UNWTO, Pew Research Centre, ҳалол туризм, “Crescent Rating” агентлиги, “Master card”, Global Muslim Travel Index, ЮНЕСКО, “Ҳалол” стандарти.

Аннотация. Сегодня мусульманский туризм растёт, растут его возможности и рынок, происходят серьезные изменения в туристической отрасли. В статье анализируется развитие туризма в мире с учетом именно этих аспектов. Также были изучены данные международных организаций по анализу мусульманского мира и его деятельности на туристическом рынке и даны общие выводы по вопросам развития и перспективам дальнейшего развития мусульманского туризма.

Ключевые слова. Мусульманский туризм, индустрия туризма и гостиницы, UNWTO, Pew Research Centre, халяльный туризм, агентство “Crescent Rating”, Master card, Global Muslim Travel Index, ЮНЕСКО, стандарт Халяль.

Annotation. Today, Muslim tourism is expanding, opportunities and markets are growing, and the tourism industry is undergoing major changes. The article analyzes the development of tourism in the world, taking into account these aspects. It also examines the data of international organizations on the analysis of the Muslim world and its activities in the tourism market today and provides general conclusions on the development of Muslim tourism and prospects.

Key words. Muslim tourism, tourism and hotels industry, UNWTO, Pew Research Center, halal tourism, Crescent Rating agency, Master card, Global Muslim Travel Index, UNESCO, Halal standard.

Бугунги дунёда кечаётган инкирозни ҳисобга олмаганда, туризм индустрияси халқаро хизматларнинг йирик, юқори даромадли ва динамик ривожланаётган сегментларидан ҳисобланади. Ундан келадиган даромад бўйича автомобилсозлик ҳамда нефть ва газ маҳсулотлари экспортдан тушадиган даромадлардан кейинги учинчи ўринни эгаллайди, озиқ-овқат ва бошқа соҳалардан олдинда туради. Кўплаб ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида туризм экспортнинг асосий қисмини ташкил этувчи етакчи тармоқ ҳисобланади. Жаҳон Сайёҳлик Ташкилоти (UNWTO) маълумотларига кўра, бутунжаҳон ялпи ички маҳсулотининг 10,4% и (2019 йилда унинг ҳажми 9,25 трлн. АҚШ долларига тенг бўлди), дунёдаги инвестицияларнинг 4,3% и, солиқ тушумларининг 5% и, жаҳондаги истеъмол харажатларининг 11% и ва ҳар 10 та янги яратилаётган иш ўринларининг биттаси айнан туризм ва меҳмондўстлик индустриясининг ҳиссасига тўғри келади. 2019 йилда туризм ва унга хизмат кўрсатадиган тармоқлар билан биргаликда ҳисоблаганда 330 млн. киши (жаҳондаги умумий бандларнинг 10%) фаолият олиб бормоқда [9:2].

Туризмнинг глобал ривожланиши дунё мамлакатларини яқинлаштириб, уларнинг ўзаро муносабатларини фаоллаштиришда энг ишончли ва энг мустаҳкам тизимдир. Туризм ривожланиши деярли барча соҳаларга ижобий таъсир кўрсатиб, мамлакат иқтисодиётининг динамик тарзда ўсишига олиб келади. Шунингдек, соҳага киритилаётган сармоя қисқа фурсатда ўзини оқлаши, туристик компаниялар имкониятлари кенгайиши ҳамда юқори фойда олиш мумкинлиги соҳага жалб қилинаётган


инвестициялар ҳажмини оширишга хизмат қилмоқда. Шунинг учун, кўпгина давлатлар ва тадбиркорлар туризмни ривожлантиришга катта эътибор бермоқдалар.

Туризмнинг анъанавий йўналишлардан бири бўлган зиёрат туризми ҳозирда катта аҳамият касб этмоқда. Айниқса, мусулмон халқларнинг тез суръатларда кўпайиб бориши ҳамда уларнинг даромадларининг доимий ўсиб бораётганлиги ҳалол туризмнинг жадал ривожланишига хизмат қилмоқда. Шунинг учун ислом шариятига мос саёҳат йўналишларини ташкил этишга нафақат мусулмон давлатларида, балки дунёнинг туризм ривожланган қатор давлатларида ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Саудия, Туркия, Миср, Малайзия каби мусулмон мамлакатларида ҳалол туризмни оммалаштириш учун кенг ислохотлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, АҚШ, Германия, Англия, Франция, Испания ва бошқа қатор давлатларда ҳам ҳалол туризм стандартларига мос турлар жадал ривожланиб бормоқда.

Туризмнинг жуда кўп турлари ва шакллари мавжуд бўлиб, зиёрат туризми энг қадимги ҳамда анъанавий туристик йўналишлардан бири ҳисобланади. Мусулмонлар дунёдаги энг тез ривожланаётган ҳамда сотиб олиш қобилияти юқори бўлган ўрта синф кенгайиб бораётган диний гуруҳдир. Шунингдек, мусулмонлар орасида умумий муштарак қадриятлар мавжуд бўлиб, улар ўзларининг эҳтиёжларини қондирадиган бошқа жамоаларникидан анча кучлироқдир. Биз умуман бугун мусулмон (зиёрат) туризми бозорининг борган сари кенгайиб бораётганини эътиборга олишимиз зарур. Ҳозир ер юзида 1,7 млрд. (23 фоиз)дан ортиқ мусулмон яшайди. Уларнинг улуши 2030 йилда 26 фоизга етиши, 2060 йилда мусулмон динига эътиқод қилувчилар улуши жаҳон аҳолисининг 40 фоизига яқинлашиб 3,0 млрд. кишини ташкил этиши ҳақида башоратлар бор [13].

2018 йил давомида дунё миқёсида мусулмон сайёҳлар сони 140 млн.га, уларнинг харажатлари 177 млрд. долл.га тенг бўлди [5]. Мусулмон сайёҳлардан энг кўп фойда оладиган мамлакатлар Яқин Шарқ минтақасига тўғри келади (1-расм). Pew Research Centre маълумотларига кўра, 2060 йилга келиб 3 миллиард инсон ўзини мусулмон деб ҳисоблай

бошлайди ва бу ер юзидаги ҳар учдан бир кишини ташкил этади. Global Economic Impact Of Muslim Tourism And Future Growth Projection: 2017-2020 («Мусулмон туризмнинг глобал иқтисодий таъсири ва унинг келгуси ўсишининг истикболлари: 2017-2020 йй.») деб номланган тадқиқот натижаларига кўра, мусулмон туризмнинг глобал иқтисодий даражаси 32 фоиздан 70 фоизгача ўсиши тахмин қилинган эди. Албатта, 2020 йилдаги пандемия сабабли туризм қатори бошқа кўплаб соҳаларда ҳам салбий натижалар қайд этилмоқда.



1-расм. 2018 йилда мусулмон саёҳатларидан энг кўп даромад олган 5 мамлакат, млрд. долл. [6]

Мусулмон туризми соҳасида энг катта улуш Осиё мамлакатларига тегишли. Бунда энг фаол сайёҳлар Индонезия, Хитой ва Малайзия мусулмонлари саналади. Уларнинг харажатлари мусулмон мамлакатлари орасида туризм соҳасидаги харажатлар умумий ҳажмининг 15 фоизидан ошади.

Жаҳон бозорида мусулмон туризмнинг 80 фоизи 19 та мамлакатга тўғри келади. Бу фақат мусулмон минтақаларинигина эмас, балки қатор туризм ривожланган мамлакатларни қамраб олади. 2019 йилда мусулмон туризми туфайли ушбу мамлакатлар ЯИИдаги туризмнинг улуши 148 млрд. долл.ни, бу соҳадаги аҳолининг бандлиги эса 4,7 млн. кишини ташкил этди. Шунингдек, АҚШда мусулмон туризми соҳасида 300 минг киши банд бўлиб, ушбу соҳанинг жами даромади 43 млрд. АҚШ долларини ташкил этади [3].

2030 йилга келиб мусулмонлар дунё аҳолисининг 25% ни ташкил қилиши ҳамда жаҳонда энг тез ўсаётган диний жамоага айланиши кутилмоқда. Баъзи мусулмон мамлакатлари бозорларида харид қобилияти

ўсиб бориши ва янги харидорлар сонининг ортиши туфайли моддий жихатдан фаровон бўлган ўрта синф шаклланимоқда. Бунинг натижасида халқаро туризмда мусулмон сайёҳлар улуши ортиб боришига хизмат қилади.

Мусулмон сайёҳларнинг аксарияти асосий аҳолиси мусулмон бўлган мамлакатларга, жумалдан, уларнинг 60% Осиёга (Яқин Шарқ билан бирга) саёҳат қилишади. Ўз навбатида Германия мусулмон саёҳатчилар учун Европадаги энг оммалашган йўналишларидан бири ҳисобланади.

Уларнинг саёҳат йўналишида энг аввало шаҳарлараро саёҳат бўлса, кейинги ўринларда дам олиш ҳамда тижорат саёҳатлари туради. Барча саёҳатларнинг 10 фоизи диний мақсадлар ёки зиёрат қилиш учун амалга оширилади.

Мусулмон саёҳатчиларнинг сони юқори даражада ўсиб бораётган бўлсада, лекин аёл саёҳатчиларнинг ўртача улуши ўзгаришсиз қолмоқда. Мусулмон саёҳатчилар анча ёш бўлиб, 75% ни 25 ёшдан 44 ёшгача бўлганлар ташкил этади. Уларнинг аксарияти олий маълумотга эга бўлганлардан иборат [4].

Мусулмон саёҳатчиларнинг туристик фаолияти асосан шаҳарларни зиёрат қилиш ёки саёҳатлар пайтида харидларни амалга ошириш, диққатга сазовор жойлар ва музейларга кўпроқ ташриф буюришдан иборат бўлмоқда.

Мусулмон саёҳатчилари учун Ҳалол туризм муҳим аҳамият касб этади. Бу тўғрисида “Crescent Rating” агентлиги бошқарувчиси Фазал Бахардин шундай дейди: “Мусулмонларнинг бошқалардан фарқи миллатларидан қатъий назар, бошқа жамоаларникидан кўра кучлироқ бўлган муштарак қадриятлардадир”. Ҳалол тушунчаси анъанавий ислом қонунларига мос келадиган барча нарсаларга тегишлидир. Туризм соҳасида эса, маълум бир эътиқодга асосланган эҳтиёжларни, масалан, ҳалол қоидаларга мувофиқ овқат тайёрлаш, Рамазон ойида овқатланиш вақтини мослаштириш, масжидларни очиш, эркаклар ва аёлларни алоҳида бассейнлар билан таъминлаш ва мусулмонларга мўлжалланган кўнгилочар дастурларни таклиф қилиш каби назоратда тутилади [11:4].

Ҳаж ва умра мусулмонларнинг энг асосий зиёратлари ҳисобланади. Саудия Арабистонига бу икки зиёратни амалга ошириш учун ҳар

йили икки юзга яқин мамлакатдан саккиз миллионга яқин одам ташриф буюради. Ушбу зиёратлардаги чет элликлар барча зиёратчиларнинг саксон фоизидан кўпроғини ташкил қилади. Юқори талаб туфайли ҳар бир давлат учун квота мавжуд ва, шунингдек, ҳажга борадиган шахсларга беш йилга мораторий эълон қилинади. Саудия Арабистони “Vision 2030” дастури доирасида зиёратчилар сонини ўттиз миллионга оширишни режалаштирмоқда.

Саудия Арабистони нефть экспорти бўйича дунёдаги энг йирик мамлакатлардан ҳисобланиб, мамлакат катта инфратузилмага, ташриф буюрувчилар учун зарур бўлган барча қулайликларга ҳамда замонавий технологияларга эга. Мамлакат ҳаж ва умра зиёратчиларига “Vision 2030” дастурини амалга ошириш ва юқори даражадаги хизматларни кўрсатиш учун барча замонавий технологияларни қўлламоқда. Мамлакатнинг мақсади 2022 йилда умра зиёратчиларининг сонини 15 млн.га ва 2030 йилга келиб 30 миллионга ошириш ҳамда мақсадли ҳаж зиёратчилар сонини 2030 йилгача беш миллионга етказишдир [8:8].

“Crescent Rating” агентлиги “Master card” ташкилоти билан бирга ҳар йили “Жаҳон мусулмон саёҳати индекси” (Global Muslim Travel Index) рейтингини тузиб боради. 2019 йилги натижаларга кўра тўққизинчи марта Малайзия мусулмон туристлар учун энг яхши туристик йўналиш деб топилди. Индонезия сўнгги йилларда бу индекс бўйича кўрсаткичларини яхшилаб Малайзияга тенглашди. Кейинги ўринларни Туркия, Саудия Арабистони, БААҒи эгаллади [10].

Ўзбекистон Республикаси ҳам сайёҳлик қўлами ва тарихий қадамжолари кўплиги бўйича дунёнинг 10 та етакчи мамлакатлари қаторидан ўрин эгаллаган бўлиб, мусулмон туристларни жалб қилиш учун етарли жозибадорликка эга манзиллардан ҳисобланади. Республикада туристларни ўзига жалб қиладиган 7,4 мингдан зиёд маданий мерос объектлари мавжудлиги ҳамда уларнинг 209 таси ЮНЕСКО ташкилоти рўйхатидан ўрин эгаллаганлиги мамлакатимиз туристик салоҳиятининг юқорилиги ва имкониятларининг кенгчилигига далolat қилади. Албатта, тарихий шаҳар билан бир қаторда замонавий шаҳарларнинг бунёд этилиши туристларнинг қамровини кенгайтиради [1].

Ўзбекистон, шунингдек, ислом оламида ўз тарихи билан юқори мавқега эга. Мусулмон сайёҳларнинг Имом Бухорий ат-Термизий, Мотурудий зиёратгоҳларига ташриф буюриш учун истаклари юқори. Шунингдек, мусулмон туристик бозори йилдан йилга кенгайиб, талаб ҳам ортиб бормоқда. Мусулмон мамлакатлари туристларини жалб қилиш ва ҳалол туризмни ривожлантириш орқали катта туристик оқимни йўлга қўйиш мумкин. Шунинг учун зиёрат туризми инфраструктурасини шакллантириш, зиёратгоҳлар ҳақида маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда зиёратчилар учун қулай шароитларни яратиш лозим.

Ҳозирги вақтда ҳалол маҳсулотлар ва хизматлар бозори жадал суръатлар билан ривожланмоқда, унинг жуғрофий майдони кенгаймоқда. Демографик вазиятга кўра яқин ўн йил ичида дунё мусулмон аҳолиси тез суръатлар билан кўпаяди. Бу ҳалол стандарти асосида ишлаб чиқаришнинг ривожланишига эҳтиёжни юзага келтиради, исломий молия, туризм, соғлиқни сақлаш, мода ва косметика каби соҳаларга талабни янада кенгайтиради. Шунингдек, Ўзбекистоннинг жаҳон савдо ташкилотига кириш жараёнининг таркибий қисми сифатида ҳалол стандарти асосидаги саноат маҳсулотлари ва хизмат турларини Марказий Осиё, Яқин Шарқ ва бошқа минтақалар бозорларига экспорт қилишга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади. Бунинг учун ҳалол маҳсулотларининг миллий сертификатлаш тизимини ривожлантириш, ҳалол стандартлари бўйича халқаро сертификатлаштириш тизimini ўрганиш, ташкилий ва иқтисодий чора-тадбирларни амалга ошириш лозим. Шунингдек, Ҳалол туризм соҳасида Ўзбекистоннинг улкан салоҳияти халқаро жамоатчиликни қизиқтираётганлиги, бу орқали юртимизга туристлар оқимини янада ошириш имкониятлари мавжудлигини инобатга олган ҳолда, мазкур соҳадаги қонунчилик базасини яратишга ҳамда зарурий инфратузилмани барпо этишга янада кўпроқ эътибор қаратиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сонли Фармонида илова.
2. Жиянов Ў.П. Ўзбекистонда зиёрат туризмнинг ривожланиш имкониятлари. “Ислом тақаккури” илмий-маърифий, диний-маданий ахборот нашри. – Т.: ЎзХИА НМБ. Махсус сон. 29.07.2020.
3. Global Economic Impact Of Muslim Tourism And Future Growth Projection: 2017–2020. <http://www.webintravel.com/wp-content/uploads/2016/12/Salam-Standard-Global-Economic-Impact-of-Muslim-Tourism-2015.pdf>
4. Global Muslim Travel Index 2018. Mastercard-Crescentrating 2018.
5. Master Card & Crescentrating. Global Muslim Travel Index 2019.
6. State of The Global Islamic Economy 2018/2019 Report, Thomson Reuters.
7. Haj and Umrah: Developments and Opportunities Prepared by Thomson Reuters and DinarStandard JANUARY 2017. 8 p.
8. Han, H.; Al-Ansi, A.; Olya, H.G.T.; Kim, W. Exploring halal-friendly destination attributes in South Korea: Perceptions and behaviors of Muslim travelers toward a non-Muslim destination. *Tour. Manag.* 2019, 71, 151–164.
9. International Tourism Highlights, 2019 Edition (World Tourism Organization). URL: <https://www.e-unwto.org/doi/pdf/10.18111/9789284421152>
10. Malaysia 2019 by Islamic Tourism Centre// http://www.sesric.org/imgs/news/2228_MR_DAUD.pdf
11. World Travel Trends 2018/2019, P.4.
12. <https://www.statista.com/topics/962/global-tourism/>
13. <https://islom.uz/maqola/8444>